

---

## **Ногиронлик аравачалари ва эшитиш мосламалари топширилди**

Фарғона вилояти Оила ва Хотин-қизлар бошқармаси томонидан вилоятимизнинг Марғилон шаҳри, шунингдек, Қўштепа, Ёзёвон, Тошлоқ ҳамда Қува туманларида яшовчи ногиронлиги бўлган ва имконияти чекланган 38 нафар фуқароларга ногиронлик аравачалари ҳамда эшитиш мосламалари топширилди.

Марғилон шаҳридаги «Нуронийлар маскани»да ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси масъул ходими Бунёджон Маматюсупов иштирок этиб, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, муаммоларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлади ҳамда ногиронлик аравачалари ва эшитиш мосламаларини ўз егаларига топшириди.

Эътибор ва мурувватдан кўнгли тоғдек кўтарилиган аёллар ташкилотчиларга ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини изҳор этиб, бугунгидек тинч ва осойишта кунларимиз бардавом бўлишини тилаб дуога қўл очишиди.

2023-08-29 20:15:06